

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар: п.ф.н., доц. М.Усманбаева
п.ф.н. Г. Джаналиева
катта ўқ. Г.Гулямова

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	3
II. МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	13
1-МАВЗУ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.....	13
2-МАВЗУ. ЛОЙИХА ВА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	25
3-МАВЗУ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	37
III. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	56

I.Кириш

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глоабаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасалар (ОТМ)ида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Малакали кадрларни тайёрлашда эса ушбу жараённинг асосий иштирокчилари бўлган – ОТМ педагогларининг касбий компетентлик ҳамда креатив қобилиятга эгаликлари алоҳида долзарблик касб этади. ОТМ педагогларининг касбий компетентлиги, креатив қобилиятга эгалиги меҳнат бозорида юзага келган кучли рақобатга бардошли кадрларни тайёрлашда инсон омилиниң устувор ўрин тутишини тасдиқлайди. Шундай экан, ОТМнинг педагоглари касбий фаолиятни ташкил этишда компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ўзлаштириб боришга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” модули ўқитилишининг йўлга қўйилиши эса ОТМ педагогларининг касбий компетентлик, шунингдек, креативлик моҳияти, педагогик компетентлик ҳамда креативлик сифатлари ҳар бир педагогнинг ўзида педагогик компетентлик сифатларини самарали ривожлантириб бориш тамойиллари, йўллари, методлари, босқичлари ва натижани таҳлил қилиш малакаларини пухта ўзлаштиришга хизмат қиласи.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажаккка масъулият хиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришидир. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар гурухи “Рим клуби” маъruzасида инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутади.

Малака ошириш курсларида “Инновацион таълим технологиялари” модули асосларини ўзлаштирасар экан, тингловчилар, энг аввало, ўзларининг инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш

малакаларига эгаликларини объектив баҳолаш, модул, лойиҳали ва ҳамкорлик таълими технологиялари фояларига таянган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқув мақсадларини оқилона белгилаш, моделлаштириш ва лойиҳалаш, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиягини ривожлантириш борасидаги билим, кўникма-малакаларни ўзлаштирадилар.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Инновацион таълим технологиялари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини инновацион таълим технологияларига доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Инновацион таълим технологиялари” **модулининг вазифалари:**

- инновацион таълим технологияларининг ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;
- тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш;
- уларда педагогик жараённи самарали ташкил этишда турли таълим технологияларидан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўникма-малакаларини ривожлантириш;
- тингловчиларда ўқув-тарбия жараёнларини лойиҳалаш, моделлаштириш ва технологиялаштиришга доир касбий компетентлик сифатларини янада ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Инновацион таълим технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi:**

- инновацион таълим технологияларининг функциялари;
- инновацион таълим технологияларининг турлари ва қўлланилиш соҳалари;
- инновацион таълим технологияларини қўллашнинг педагогик-психологик ва методик шарт-шароитлари;
- инновацион таълим технологияларини лойиҳалаш қоидалари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**
- аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш;
- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;
- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- таълим олувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;

- интерфаол таълим технологияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **қўникмаларини эгаллаши**;
- инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- инновацион таълим технологияларининг оқилона танлаб олиш;
- мутахассислик билан боғлиқлиқда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши**;
- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
- инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- талабаларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Инновацион таълим технологиялари” модулини ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билин боғлиқлиги ва узвийлиги

“Инновацион таълим технологиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ва “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” субмодуллари, шунингдек, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	жумладан	Назарий	Амалий машғулот		
1.	Инновацион таълим технологиялари: моҳияти, назарий асослари ва турлари	2	2	2	2	4	-	
2.	Лойиҳа ва муаммоли таълим технологиялари	2	2	2	2	2	-	
3.	Интерфаол таълим технологиялари	2	2	2	6	-	-	
4.	Модул таълими технологиялари	2	-	-	-	-	2	
Жами:			20	18	6	12	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Инновацион таълим технологиялари: моҳияти, назарий асослари ва турлари (2 соат)

Режа:

1. “Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмунни.
2. Педагогнинг инновацион фаолияти.
3. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.
4. Ҳамкорлик таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
5. Инновацион характердаги назорат воситалари.

Инновацияларнинг асосий кўринишлари. Таълим инновациялари. Таълим инновацияларининг турлари. Новация (янгиланиш). Новация ва инновациянинг фарқли жиҳатлари. Таълим инновационлари таъминлайдиган ўзгаришлар. Инновацион фаолият мазмунни. Педагогнинг инновацион фаолияти. Педагогик инновацион фаолият белгилари. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш босқичлари. Педагогда таълим жараёнига инновацион ёндашувни қарор топтириш босқичлари. Шахсга йўналтирилган таълим ва унинг турлари. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари.

Ҳамкорлик таълими. Ҳамкорлик таълими йўналишлари. Ҳамкорлик таълими технологиялари таркибий элементлари, тамойиллари ва белгилари. “Ажурли appa” стратегияси.

Инновацион характердаги назорат воситалари. Ўқув портфолиоси. “Ассесмент” технологияси.

2-Мавзу: Лойиҳа ва муаммоли таълим технологиялари (2 соат)

Режа:

1. Лойиҳа таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
2. Муаммоли таълим технологияларининг ўқитишдаги аҳамияти.

“Лойиҳа” ва “лойиҳалаш” тушунчаларининг моҳияти. Таълим жараёнини лойиҳалаш. Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари. Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари. Педагогик жараённи лойиҳалашда вазифаларнинг белгиланиши. Технологик паспорт. Технологик харита.

Модел ва моделлаштириш. Моделларнинг турлари. Инновацион ТТнинг алгоритми.

Ўқув лойиҳаси. Ўқув лойиҳаларининг таснифи. Ўқув лойиҳаларининг асосий турлари. Талабаларнинг ўқув лойиҳавий фаолияти босқичлари.

Муаммоли таълим моҳияти. Муаммоли таълим турлари. Муаммо ва муаммоли вазият. Педагогик муаммо. Муаммони қўйиш сатҳлари. Муаммоли вазият методи. Муаммоли маъруза. Муаммоли таълим технологиялари ва уларнинг асосий турлари. Муаммоли таълим методлари.

3-Мавзу: Интерфаол таълим технологиялари (2 соат)

Режа:

1. Интерфаол таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
2. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.

“Интерфаол”, “интерфаол таълим” ва “интерфаоллик” тушунчаларининг моҳияти. Интерфаол таълим технологияларининг самарали қўлланилишини таъминловчи асосий ва иккиласмачи омиллар. Интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган таълимий ҳаракат шакллари.

Интерфаол таълим технологияларининг дидактик аҳамияти, асосий белгилари, тамойиллари ва шакллари.

Интерфаол методлар. Интерфаол методларни таълим жараёнда қўллаш моҳияти ва тартиби.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Педагогик жараёнда ҳамкорлик таълими технологияларини қўллаш (2 соат)

Режа:

1. Педагогик жараёнда ҳамкорлик таълими технологияларини қўллаш имкониятларини ўрганиш.
2. Ҳамкорлик таълими технологиялари ёрдамида ижодий ишланмаларни тайёрлаш.

2-мавзу. Инновацион характердаги назорат воситалари (2 соат)

Режа:

1. Талабаларда ўқув портфолиоларини шакллантириш ва расмийлаштириш кўникма, малакаларини ривожлантириш.
2. Мутахассислик фанлари бўйича “Ассесмент” технологияси асосида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш.

3-мавзу: Педагогик жараёнда лойиҳа таълими технологияларидан фойдаланиш (2соат)

Режа:

1. Лойиҳа таълими технологияларининг дидактик аҳамиятини таҳлил қилиш.
2. Ўқув лойиҳаларининг турларини аниқлаштириш. Ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиши босқичларини лойиҳалаш.

4-мавзу: Педагогик фаолиятни лойиҳалаш (2соат)

Режа:

1. Мутахассислик фани бўйича муайян мавзуларда ўқув лойиҳасини тайёрлаш.
2. Ўқув лойиҳасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши.

5-мавзу: Педагогик жараёнда муаммоли таълим технологиялари имкониятларидан фойдаланиш (2соат)

1. Муаммоли таълим технологияларининг ўқув жараёнини самарали ташкил этишдаги аҳамиятини баҳолаш.
2. Муаммоли таълим технологиялари ёрдамида муаммоли вазиятларни ижобий ҳал этиш.
3. Муаммоли таълим технологияларини қўллаш асосида талабаларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш.

6-мавзу: Педагогик жараёнида интерфаол таълим технологияларини қўллаш (2 соат)

1. Интерфаол таълим технологияларининг дидактик имкониятларини ўрганиш.
2. Интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ўқув материалларини пухта ўзлаштириш.

3. Интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали талабалар ўқув фаоллигини ошириш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Модул таълим технологияларининг моҳияти ва амалий аҳамиятини ўрганиш. Модул таълим технологиялари ёрдамида ўқитишининг дидактик имкониятини аниқлаш. Мутахассислик фанларининг модул таълими асосида ўқитилишига оид лойиҳаларни тайёрлаш.

Адабиётлар: Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004; Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000; Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.; Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш– давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.

7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мағкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // “Халқ сўзи” г. 1998 й., 15 май.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

II. Меъёрий- хуқуқий хужжатлар:

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.

III. Махсус адабиётлар:

23. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик махорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
24. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.

25. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
26. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
27. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.
28. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
29. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь, 1996.
30. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
31. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
32. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
33. Кашлев С. С. Современные технологии педагогического процесса. Минск: “Университетское”, 2000.
34. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений / М: Издательский центр «Академия», 2005.
35. Левина М.М. Технология обучения, роль в структуре педагогического знания. (Разработка и внедрение гибких технологий обучения педагогическим дисциплинам). М.: МГПИ, 1991.
36. Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
37. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Власов, Д.А. Педагогические технологии как дидактический инструментарий модернизации образования. – М. – Тольятти: ВУИТ, 2004.
38. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.
39. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2001.
40. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
41. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
42. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
43. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.
44. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.

45. Adam, R. The Process of Educational Innovation I R. - Lnd, 1991.
46. Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.
47. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II. Педагогическоеобразование для XXI века. - М.: 1994.
48. Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
49. Chambers W.N. Creative Scientist of Today I W.N. Chambers II Science. - L.: 1994. - Vol. 145.
50. Cowen E.L. Stress Reductiom and Problem-Solving Rigidity I EX. Cowen II J. Consult. Psychol. - N. Y: 1992. - Vol. 16.

Интернет маълумотлари:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.infocom.uz
4. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc>.
5. www.press-uz.info
6. www.ziyonet.uz
7. www.edu.uz
8. www.pedagog.uz
9. www.tdpu.uz

II.МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-МАВЗУ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Режа:

1. “Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмуни.
2. Педагогнинг инновацион фаолияти.
3. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.
4. Ҳамкорлик таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
5. Инновацион характердаги назорат воситалари.

Таянч тушунчалар: инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият, инновацион жараён, педагогнинг таълим жараёнига инновацион ёндашуви, инновацион таълим технологиялари (ТТ), ҳамкорлик таълими, лойиҳа таълими, ҳамкорлик ТТ, лойиҳа ТТ.

“Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмуни. Лугавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Мазмунан эса тушунча негизида “инновация” тушунчаси **муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгаришишга қаратилган фаолиятни** ифодалайди.

Инновацияларнинг асосий **қўринишлари** қўйидагилар саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгаришишга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илфор иш услублари.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар:

- 1. Фаолият йўналишига қўра:** педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.
- 2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига қўра:** радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар.
- 3. Ўзгаришларнинг кўламига қўра:** тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари.
- 4. Келиб чиқиши манбаига қўра:** жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар.

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгиланиш)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у ҳолда у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойихалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

Таълим инновационлари қуйидаги ўзгаришларга олиб келади (И.П.Подласый):

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

Педагогнинг инновацион фаолияти. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият.

Инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги билан белгиланади.

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндашув:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;
- янгича фикрлаш;
- юксак муомала маданиятига эга бўлишни ифодалайди.

М.Жуманиёзованинг эътироф этишича, педагогик инновацион фаолияти куйидаги **белгилар** асосида намоён бўлади:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- ҳамкаслар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бир неча **босқичларда** кечади. Улар қуйидагилардир:

1. Муаммони таҳдил асосида аниқлаш.
2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан иннофацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида

кечади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам муракаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни:

1-босқич: тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади.

2-босқич: мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади.

3-босқи: янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради.

4-босқич: педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади.

Шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилияtlарини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

Ушбу таълим педагог ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамкорлик ва танлаш эркинлигига асосланиб, талабани қадрият сифатида эътироф этилишини учун шароит яратади.

Одатда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қўйидаги турлари фарқланади:

1. Модул ТТ.
2. Муаммоли ТТ.
3. Интерфаол ТТ.
4. Индивидуал ТТ.
5. Масофавий ТТ.
6. Компьютер ТТ.
7. Ҳамкорлик ТТ.
8. Лойиҳа ТТ.
9. Дастурий ТТ.
10. Табақалаштирилган ТТ.
11. Ривожлантирувчи ТТ.
12. Ўйин технологиялари.
13. Гендер ТТ.
14. Қувватни тежовчи ТТ.

Ҳамкорлик таълими технологияларининг дидактик моҳияти. Замонавий шароитда ҳамкорлик таълими, уни ташкил этиш ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Ҳамкорлик таълими – ўкув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гурӯҳ ва жуфтлиқда билимларни биргалиқда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим бўлиб, унинг **асосий ғояси** ўкув топшириқларини жамоада, кичик

Ҳамкорлик таълими йўналишлари:

- таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш.

Ҳамкорлик таълими технологиялари – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик груп ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар.

ҲТТнинг ғоялари ўтган асрнинг 80-йилларида Ж.Ж.Руссо, К.Д.Ушинский, В.А.Сухомлинский, А.С.Макаренко ва бошқа новатор-педагогларнинг қарашлари асосида шаклланган. ҲТТ талабаларда интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний қобилият, қизиқиш, мотивларни ривожлантириш асосида дунёқарашни ҳосил қилиш **мақсадини** илгари суради. ҲТТ “Cooperative learning”дан фарқ қилиб, у жуфтлик ва кичик грухда ишлаш орқали талабаларнинг жамоада фаолият юритиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлайди.

ҲТТнинг таркибий элементлари:

1. Таянч конспект (физик, математик ва кимёвий формуласлар, тезислар, изоҳловчи суратлар, қисқача холосалар, рамзий белгилар, схемалар, графиклар, жадваллар, диаграммалар)дан фойдаланиш.
2. Билимларни тест асосида синовдан ўтказиш.
3. Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш.

ҲТТ тамоийиллари:

- жуфтлик ва кичик грух аъзоларининг ўзаро бирлиги;
- жуфтлик ва кичик грухда ҳар бир аъзонинг шахсий ва грух муваффақияти учун жавобгарлиги;
- кичик грухда ҳамкорликка асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- грух ва жамоа ишининг умумий баҳоланиши.

ҲТТнинг белгилари:

- талаба шахси, индивидуаллигига эътибор қаратиш;
- тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаб чиқиши инкор қилиш;
- талабаларда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантириш;
- педагогга ва тенгдошларга нисбатан ижобий муносабатнинг юзага келишини таъминлаш;
- талабаларда маданий мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;
- ҳамкорлик ва ўзаро тенгликка асосланган мухитни яратиш.

ҲТТни қўллашда талабалар қўйидаги **шаклларда** таълим оладилар:

- 1) жамоада;
- 2) кичик грухда;

3) жуфтлиқда

1-вариант: Жамоада таълим олиш. Ҳар бир талабанинг ютуқларидан жамоа хабардор бўлади, чунки жамоа ҳар бир талаба томонидан ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишидан манфаатдор. Зеро, жамоанинг муваффақияти ҳар бир талаба ва унинг ютуғига, жамоа олдига кўйилган муаммонинг ечимиға боғлиқ.

2-вариант: Кичик гурӯҳда таълим олиш. Талабалар 4-5 нафардан бўлиб, кичик гурӯҳларга бирлашиб, блок ҳолида берилган ўқув материали устида ишлайди. Ҳар бир талаба материал устида алоҳида ишлайди. Сўнгра бир гурӯҳдаги талабалар бошқа гурӯҳларга 1 нафардан бўлиб ўтишади ва ўзлари ўргангандан бергандан сўнг ўз гурӯҳларига қайтириб, тенгдошларида маълумот билан ўз жамоаси аъзоларини таништиради. Бунда шерикларни дикқат билан тинглаш, зарур маълумотларни ўз дафтарларига қайд этиб бориш талаб қилинади. Машғулот сўнггида ўқитувчи исталган талабадан ўрганилган мавзу бўйича саволларга жавоб беришини сўрайди.

3-вариант. Жуфтликда ишлаш. Талабалар жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик яхлит мавзу бўйича алоҳида топшириқ олади. Биргаликда ишлаш асосида жуфтлик аъзолари ўзларига берилган материални ўзлаштиради. Сўнгра бу ҳақида жамоа олдида ахборот беради.

ҲТТни қўллашда талабалардан қуидагилар талаб этилади:

- шериги ва гурӯҳдошлари билан ҳамкорликка эришиш;
- фаол ишлаш, топшириққа нисбатан масъулиятли ёндашиш;
- шериги ёки гурӯҳдошларига ижодий муносабатда бўлиш;
- нафақат ўз ютуғи, балки шериги ва гурӯҳининг муваффақияти учун жавобгарликни ҳис қилиш;
- жуфтликда ва гурӯҳда ишлаш – жиддий ва масъулиятли меҳнат эканлигини ҳис қилиш.

ҲТТ “педагог-талаба ҳамкорлиги” тамойилига асосланиб, қуидаги шаклларда қўлланилади:

- кичик тадқиқотларни олиб бориш;
- фан бўйича ташкил этиладиган мусобақада иштирок этиш;
- фан олимпиадаларига тайёрланиш;
- ҳамкорликда лойиҳалар тайёрлаш;
- ижодий ҳамкорликда илмий мақолалар чоп этиш;
- ижодий ҳамкорликда ўқув манбаларини яратиш.

ҲТТни қўллаш тартиби:


- талабалар (4-5 киши) кичик гурӯҳларда ишлайди;
- жамоа учун ягона ўқув материали тақдим этилади;
- ҳар бир гурӯҳ алоҳида саволга жавоб топади;
- Эксперт гурӯхи шакллантирилади;
- бу гурӯҳ ҳар гурӯҳ иши билан батафсил танишади;
- эксперт гурӯхи ҳар бир талабанинг фаолиятини индивидуал баҳолаш имкониятига эга;

- талабалар тўплаган баллар умумлаштирилиб, кичик гурухнинг фаолияти баҳоланади;

- энг юқори балл тўплаган жамоа ғолиб саналади.


“Ажурли арра” (фр. “ажоур” – бир ёқдан иккинчи ёқка ўтган, икки томони очиқ) стратегияси яхлит мавзуни бир нечта қисмларга ажратган ҳолда мазмунини ёритиш асосида талабаларнинг уни пухта ўзлаштириши, ўз билимларини бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлиши таъминланади. Бу жараёнда талабалар тайёр матнлар билан ишлайди. 1986 йилда Ф.Славин томонидан “Ажурли арра-2” методи ишлаб чиқилди.

Машғулотда “Ажурли арра” стратегиясини қўллаш қўйидаги тахлитда амалга оширилади:



Стратегияни қўллашда талабаларнинг мавзуни пухта ўзлаштирганликлари, ўзлари эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлишлари муҳим саналади.

“Ажурли арра” стратегиясининг технологик модели қўйидагicha:



Инновацион характердаги назорат воситалари. Замонавий шароитда нафақат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ҳам инновацион характерга эга воситалардан фойдаланилмоқда. Айни ўринда ана шундай воситалардан иккитаси – ўқув портфолиоси ва “Ассесмент” технологияси тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Сўнгги йилларда замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, холис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қиласди. Қолаверса, портфолиолар педагог ва талабаларга уларнинг шахси, фаолияти билан турли экспертиза (текширув)лар жараёнида комиссия аъзоларини билвосита танишиш имкониятини беради.

“Портфолио” инглизча сўз бўлиб, “портфел” ёки “портфеллар тўплами” маъносини англатиб, автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами саналади. Бу каби тўплам ҳам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, эришилган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қиласиган индивидуал папка саналади. Умуман олганда, портфолио ҳар бир педагог ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиш ҳамда қобилиятларини ёритади. Бошқача айтганда, портфолио педагог ёки талаба учун ўзига хос реклама.

1. Ўқув портфолиоси. Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси қўйидаги имкониятларга эгалигига кўра амалий аҳамият касб этади:

- кўп функциялилик ва ўзининг шахсий мувафақиятини баҳолаш;
- индивидуал мувафақиятлар мониторингини амалга ошириш;
- имтиҳонни ташкил этиш;
- таълим натижаларини холис белгилаш;
- таълимий мувафақиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш;
- талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш.

Моҳиятига кўра ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар:

1. Ҳужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар жамланади).

2. Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир

хисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гурухдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади).

3. Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гурухи” танловини ташкил этиш мумкин).

4. Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади).

5. Тақризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, тақриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади)

6. On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якуnlари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қофоз варианtlарда яратилади. Қайси вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди.

Портфолиода талабанинг жорий, оралиқ ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга қўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганлиги тўғрисидаги далилий ҳужжат ҳисобланади. Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришаётган ютуқлари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратади ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. Талабага эса билим даражасининг қай даражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан шахсан ривожланиш даражасини мустакил баҳолаш учун зарур шароитни яратади.

Талабалар қандай шароитларда портфолиоларни шакллантиришлари керак?

Куйидаги ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Истиқболли иш ўрнига эга бўлишда (раҳбарият ва ҳамкаслар ёш мутахассис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар).

2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини патентлаштириш имкониятини таъминлайди).

3. Фан олипиадаларда иштирок этишда (олипиаданинг турли босқичларида талабанинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга мувффақ бўлинади).

4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов хайъати талабанинг имкониятларидан тўла хабар бўлади).

5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шуғуланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан танишитириш имкониятини яратади).

Ўқув портфолиосини яратишга қаратилган амалий ҳаракат бир неча босқичда ташкил этилади. Яъни:

1-босқич. Талабаларга портфолионинг афзалликлари, уни яратишдан кўзланган мақсад, портфолионинг турлари хақида маълумот берилади.

2-босқич. Талабалар портфолионинг тузилишига оид маълумотлар билан таниширилади.

3-босқич. Амалий ҳаракатларни ташкил этиш асосида талабалар ўз портфолиоларини яратадилар.

Талабаларнинг портфолиолари қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- 1) титул;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсади;
- 4) портфолионинг бўлимлари.

Турига кўра портфолиолар бир неча бўлимларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, “Ишлар портфолиоси” қуйидаги тўртта бўлимдан таркиб топади:

1. Менинг қиёфам (талабанинг шахсига оид маълумотлар талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалар асосида берилади; унда қуйидаги лавҳалар мавжуд: “Менинг анкетам”; “Танишинг – бу мен!”; “Менинг ўйларим”; - “Мен ва менинг қизиқишлиарим”).

2. Коллектор (талаба томонидан мутахассислик фанлари бўйича тўплаган материаллар (адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксеронусхалари, курсдошларининг ижодий ишлари) ўрин олади; бўлим қуйидаги лавҳалардан иборат бўлиши мумкин: “Иш столи”; “Бу қизик”; “Курсдошларим ижодидан”; портфолио-коллектор унча катта бўлмаган ўзига хос архив саналади).

3. Иш материаллари (талабанинг ўзи томонидан яратилган, тизимлаштирилган барча материаллар киритилади; бўлимнинг лавҳалари қуйидагича бўлиши мумкин: “Ёзма ишлар”, “Ижодий ишлар”, “Тадқиқот тажрибалари”, “Амалиёт ишланмалари”).

4. Шахсий ютуқлар (талабанинг ярим, бир ўқув йили ёки яхлит таълим даврида эришган ютуқлари, қўлга киритган натижалари акс этади; унда қуйидаги лавҳалар бўлиши мумкин: “Менинг бунёдкор ғоям”; “Менинг таълим борасидаги ташаббусларим”).

“Ассесмент” инглизча сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради. **Ассесмент технологияси** талабаларнинг билим, қўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидул кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, қуйидаги уч мақсадга хизмат қиласади:

- 1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, холис баҳолаш;
- 2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;
- 3) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиласиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш.

Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий харакатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона харакатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди. Технология биринчи марта 1954-йилда “AT&T” компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган. Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизида тадбиркорлар психология билан ҳамкорликда мазкур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат кўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – “Ассесмент-марказ” (“The Assessment Centre”)ни йўлга қўйилди. 1960 йилда “IBM”, “Стандарт ойл оф Огайо”, “Сирс Робакс” каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали татбиқ этдилар. Агарда 1980 йилда 2000 та фирма “Ассесмент-марказ” асосида малакали мутахассисларни танлашни маъкул кўрган бўлса, айни вақтда бу технология ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологияндан муваффақиятли фойдаланмоқда. Сўнгги йилларда мазкур технология таълим тизимиға ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда.

Айни вақтда республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари камида тўртта топшириқ бўйича баҳоланмоқда. Масалан:

Изоҳли луғат	Муаммоли вазият
Ижодий иш	Тест

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шакланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараённи ташкил этишга ташкилий –технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олга ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнигининг сифатини кафолатлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди.

Назорат учун саволлар:

1. “Технология” ва “инновация” тушунчалари қандай маънони англатади?
2. Таълим инновациялари деганда нимани тушунасиз?
3. Таълим инновациялари неча турга бўлинади?
4. Педагогнинг инновацион фаолият деганда нимани тушунасиз?
5. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш неча босқичда кечади?
6. Шахсга йўналтирилган таълимнинг қандай турлари мавжуд?
7. Ҳамкорлик таълими технологиялари қандай дидактик имкониятларга эга?

2-МАВЗУ. ЛОЙИХА ВА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

1. Лойиҳа таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
2. Муаммоли таълим технологияларининг ўқитишдаги аҳамияти.

Таянч тушунчалар: лойиҳа, лойиҳалаш, лойиҳа таълими, лойиҳа ТТ, таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари, таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари, технологик паспорт, технологик харита, муаммоли таълим, муаммол таълим технологиялари, муаммо, муаммоли вазият, ечим.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2006.
2. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Педагог, 2004.
3. Педагогик технология ва педагогик маҳорат / С.А.Мадиярова ва б. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009.
4. Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: РТМ, 1999.
5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларининг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.

Лойиҳа таълим технологияларининг дидактик моҳияти. Лойиҳа – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули.

Лойиҳа дастур, модел, технологик харита ва б. кўринишида намоён бўлади. Лойиҳанинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга ғоя ташкил этади.

Лойиҳалаш – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат.

Лойиҳалаш “**ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш**” тизимиға асосланади. Лойиҳалаш турли воситалар, яъни моддий буюм, қуроллар, м: компьютер технологияси, ватмон ёки оддий иш қоғози, чизғич, қалам, маркер, нусха кўчириш аппарати (принтер) ва б. ёрдамида амалга оширилади.

Лойиҳани яратиш учун педагог:

- лойиҳани яратиш;
- жараённи босқичма-босқич ёритиш;
- мақсадни аниқ белгилаш;
- мақсадга мос вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материали мазмунини шакллантириш;
- савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- жараён ёки тадбирнинг методик тузилишини асослаш;

- талаба билим даражасини ташхислаш ва унинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

Таълим жараёнини лойиҳалаш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари:

1) таълим жараёнини лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик жараён, технологик жараённи бошқариш, восита, ахборот, ижтимоий-иктисодий таъминот)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши билан таъминланади;

2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (педагог ва талаба ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонлари олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўқув машғулотларига тайёргарлик қўришнинг асосий босқичи – ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ҳисобланади. Бу жараён қўйидаги босқичларда ташкил этилади:

1. Дарснинг мақсади ва натижасини белгилаш.
2. Назорат топшириклари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.
3. Таълим ресурсларини танлаш.
4. Ўқитиш ва ўқиши стратегиясини белгилаш.
5. Дарс турини танлаш.
6. Дарснинг технологик харитасини ишлаб чиқиш.

Дарс мақсади ва натижасини белгилаш – ўқитиш ва ўқиши жараёнларининг энг муҳим омили бўлиб, таълим жараёнида айнан улар етакчи ўрин тутади. Дарснинг мақсад ва натижаси ДТС талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, дарснинг мақсади ўқитувчи томонидан талабага қандай билим, кўникма ва малакаларнинг берилиши нуқтаи назаридан эмас, балки талабалар томонидан дарсда қандай билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши муҳимлигидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Ўз моҳиятига кўра дарснинг мақсади ўқитувчи ва талабаларнинг умумий натижаларга қараб ҳаракатланишларини белгилайди. Шу сабабли дарснинг мақсади ташхисли ифодаланиши лозим. Яъни дарс мақсади аниқ бўлиши керак.

Дарс мақсадининг аниқ бўлишига эришиш учун ўқитувчидан қўйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

1) дарсда юзага келадиган дидактик жараён маълум шароит ва белгиланган вақт ичида таълим мақсадига эришишни тўла таъминлай олиши;

2) ўқитиш жараёнининг якуни бўйича мақсадни амалга ошириш даражаси тўғрисида аниқ хulosса чиқариш имкониятининг мавжудлиги.

Шунга қўра айтиш мумкинки, таълим мақсадлари талабаларнинг ҳаракатларида ифодаланадиган таълим натижалари белгиланади.

Таълим технологиясининг кейинги энг муҳим компоненти – кутилаётган натижадир. Бинобарин, у ўқитиш жараёнининг самарадорлигини акс эттиради ва мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди, ўқитиш ва ўқиши жараёни, натижа қўйилган мақсадга мос келганда якунланади.

Назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши – дарснинг дидактик мақсади, кутилаётган натижа, ўқув материалнинг мазмуни асосида назорат топшириқларини ишлаб чиқиши, уларнинг ҳажми, бажарилганлик даражаси, бажарилиш сифати, вақтига қўра баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши назарда тутади.

Таълим ресурсларини танлаш – мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқсан ҳолда ўқитувчи, талаба ва дарсни ташкил этиш учун таълим воситаларининг ўринли танланилишини, улардан ўқув жараёнида тўғри фойдаланишини кўзда тутади. Ўқитувчи, талаба ва дарсни ташкил этиш учун таълим воситалари сирасидан қўйидагилар ўрин олади:




Ўқитиш ва ўқиши стратегияси – белгиланган ўқув материалларини талабалар онгига етказиш йўлларини, яъни танланган таълим методи, шаклларининг амалда қўлланилишини кўзда тутади.

Дарснинг турини танлаш – ўқитувчининг маҳоратига кўра дарснинг дидактик мақсади, ўқув материалининг мазмуни, дарс учун ажратилган вақт, шунингдек, зарур шарт-шароитнинг танланишини ифодалайди.

Дарснинг технологик харитаси – дарс ишланмасининг асосий ўзагини ташкил этади. У дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин. Дарснинг технологик харитаси хусусида маъruzанинг кейинги ўринларида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Таълим жараённи лойихалаш: **лойиҳа – мазмун – фаолият** учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишdir.


Таълим жараёнини лойихалаш қўйидаги босқичларда кечади:



Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари

Таълим жараёнини лойиҳалашда бажариладиган **асосий вазифалар** қўйидагилардир:

- 1) педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;
- 2) натижаларни олдиндин кўра билиш;
- 3) режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш.



Таълим жараённи лойиҳалашда вазифаларнинг белгиланиши

Дарс ишланмаси – бу таълимий мазмунга эга лойиха, шунингдек, ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган хужжат ҳисобланади. Уни тузишда ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмuni бойитиш, таълим самарадорлигини ошириш **мақсади** кўзланади. Дарс ишланмасини йилдан-йилга такомиллаштириб ва мукаммаллаштириб бориш, янги методларни қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгилаб турилиши лозим. Бинобарин, таълим жараёнига янги ДТС, ўқув дастурлари, замонавий таълим технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчи томонидан янги ахборот технологиялари, замонавий техник воситаларининг кўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб боради. Дарс лойихаси (ишланмаси)ни учун тайёр, стандарт қолип мавжуд эмас. Чунки дарс “жонли” ташкил этилиши зарур. Дарснинг бу хусусиятига кўра уни ҳеч қандай қолипга солиб бўлмайди. У дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Таълим жараёнини лойихалаш, одатда, технологик паспорт ва технологик хариталар воситасида амалга оширилади.

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат.

ОТМдаги ўқув машғулотининг технологик паспорти

Маъруза мавзуси	
Маърузага ажратилган вақт	Талабалар сони
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	
Ўқув машғулотининг тузилиши	
Ўқув машғулотнинг мақсади:	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Таълим методлари	
Таълимни ташкил этиш шакли	
Дидактик воситалар	
Таълимни ташкил этиш шароити	
Назорат	

Технологик харита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи

педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат.

ОТМдаги ўкув машғулотларининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Педагог	Талаба
1-босқич. Бошланғич қисм – ўқув машғулотининг ташкилий-тайёргарлик босқичи (15 дақиқа)		
2-босқич. Асосий қисм – билимларни мустаҳкамлаш босқичи (55 дақиқа)		
3-босқич. Якуний қисм (10 дақиқа)		

Таълим жараённи лойиҳалашда одатда моделлаштиришдан ҳам фойдаланилади.

Модел – реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган обьектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (кагталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси.

Моделлаштириш ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш.

Ўқув жараёнида қуйидаги турдаги **моделлар** қўлланилади:

1. **Ўқув моделлари** (таълим жараёнида қўлланилади; кўрсатмали куроллар, кўргазмали воситалар, тренажёрлар, таълимий дастурлар).

2. **Тажриба моделлари** (илмий, амалий тажрибаларни олиб борища кўлланилади; лойиҳалаштирилаётган обьектнинг катталаштирилган ёки кичиклаштирилган нусхаси).

3. **Илмий-техник моделлар** (жараён ва ҳодисаларни тадқиқ этишда қўлланилади; қурилма, мослама, асбоб, жиҳоз ва механизмлар).

4. **Ўйин моделлари** (турли вазиятларда обьект томонидан турли ҳаракатларни бажариш орқали кўнирма, малакаларни ҳосил қилиш мақсадида қўлланилади; компьютер, спорт, иқтисодий, ҳарбий, ишchanлик ўйинлари ва б.).

5. **Имитацион моделлар** (реал воқеликни у ёки бу даражада шунчаки аниқ акс эттириш учун эмас, балки айнан унга ўхшатиш мақсадида қўлланилади; амалий ҳаракатларни бажаришга хизмат қилувчи турли тренажёрлар, механизмлар).

Бугунги кунда таълим жараёнида талабалар томонидан ҳам турли ўқув лойиҳаларнинг тайёрланишига эътибор қаратилмоқда.


Хўш, ўқув лойиҳасининг ўзи нима? Ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёни қандай кечади?

Ўқув лойиҳаси – 1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули;

2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;

3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита ҳисобланади

Ўқув лойиҳалари фаолият мазмунни, билим соҳаси (фанлар) бўйича тайёрланишига кўра қуидаги таснифланади:



Ҳар бир ўқув лойиҳаси ўз мақсади ва кутиладиган натижасига кўра муайян турга мансуб бўлади. Ўқув лойиҳаларининг асосий турлари қуидагилардир:

Ўқув лойиҳаларининг асосий турлари

Ахборотли лойиҳалар	Тадқиқот лойиҳалари	Амалий лойиҳалар
Мақсади		
Муаммога оид маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, мөҳиятини ёритиш, муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини тавсифлаш, уларнинг аҳамиятини асослаш	Тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот асосида муаммо изоҳини асослаш, келгусида ривожланиш учун янги муаммоларни асослаш	Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш
Натижаси		
Мақола, реферат, маъruzza, кейс ва б.	Ҳисобот, маъruzza, кейс ва б.	Ҳаракатлар дастури, бизнес-режа, кейс, стратегия, тавсия,

		маълумотнома тўплами ва б.
Лойиҳа мавзуси (намуна)		
Педагогнинг таълим жараёнига инновацион ёндашуви ўқитиш сифати ва самарадорлигини кафолатлай оладими? Педагогнинг инновацион фаолияти айнан нималарда акс этади?	Иш тажрибасидан қатъий назар ҳар бир педагог инноватор бўла оладими? Педагогнинг инноваторлик фаолияти даражаси	Педагогнинг инновацион фаолият маалакаларини ўзлаштириш дастури. Педагогнинг инновацион фаолиятни ташкил этиш стратегияси

Модул


Модул

Лойиҳа таълими технологияларидан ўқув амалиётида фойдаланишда “ўқув лойиҳавий фаолият” тушунчаси ҳам қўлланилади. **Ўқув лойиҳавий фаолият** – ўқув мақсадига эришиш ёки муаммо, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлида талабалар томонидан изчил амалга ошириладиган ҳаракатлари мажмуаси саналади. Талабаларнинг ўқув лойиҳавий фаолияти муайян босқичларда ташкил этилади. Улар қўйидагилардир:

Талабалар ўқув лойиҳавий фаолияти босқичлари



Талабаларнинг жуфтлик, кичик гурӯхлар ёки жамоа асосида турли мавзулардаги ўқув лойиҳаларни тайёрлашлари қўйидаги жараёнда кечади:



Муаммоли таълим технологияларининг ўқитишдаги аҳамияти. Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби қўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласидиган таълим **муаммоли таълим** деб аталади.

Муаммоли таълимнинг ilk ғоялари америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи (1859-1952 йй.) томонидан асосланган. У 1894 йилда Чикагода ўқитиш ўқув режаси бўйича эмас, балки ўйин ва меҳнат асосида олиб бориладиган тажриба мактабини ташкил этган.

Ж.Дьюи муаммоли таълим асоси сифатида қуйидаги йўналишларни белгилаган:

- 1) ижтимоий;
- 2) конструктив;
- 3) бадиий ифодавий;
- 4) илмий-тадқиқот.

Муаллиф кўрсатилган йўналишларда таълимни ташкил этиш учун қуйидаги воситалардан фойдаланган:

- 1) сўз;
- 2) санъат асарлари;
- 3) техник қурилмалар;
- 4) ўйинлар;
- 5) меҳнат.

Ўтган асрнинг 60-йилларида эса муаммоли таълим Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Окон, И.Я.Лернер каби тадқиқотчиларнинг қарашлари негизида янада ривожланган. С.Л.Рубинштейннинг “Тафаккур муаммоли вазиятдан бошланади” деган ғояси муаммоли таълимнинг психологик асоси сифатида қабул қилинган.

Муаммоли таълим турлари (М.Н.Скаткин):

1. Билимларни муаммоли баён қилиш (муаммоли маъруза).
2. Муаммоли топшириқларни ҳал қилиш (муаммоли амалий машғулот).
3. Кичик илмий тадқиқотларни олиб бориш (муаммоли тажриба).

Муаммоли таълимнинг асосини **муаммо** (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли ТТ уларнинг ечимини топишга хизмат қиласиди. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимлардек қабул қилинади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қиласиди.

Муаммонинг таркибий қисмлари:

- 1) маълум билимлар;
- 2) номаълум билимлар;
- 3) мавжуд тажриба.

Педагогик муаммо – ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала.

Муаммони қўйиш қуйидаги босқичларда кечади:

1. Муаммони излаш.
2. Муаммони қўйиш.
3. Муаммони ҳал қилиш.

Таълим жараёнида муаммони қўйиш бир неча сатҳда кечади. Улар:
Муаммони қўйиш сатҳлари

1-сатҳ	Ўқитувчи муаммони қўяди ва талабаларни уни ҳал қилишга йўналтиради
2-сатҳ	Ўқитувчи муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларнинг ўзлари мустақил равишда муаммони шакллантиради
3-сатҳ	Ўқитувчи муаммони қўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни рўпара қилади. Талабалар муаммони англаган ҳолда уни ўзлари шакллантириб, муаммони ечиш усусларини таҳлил қилади


Муаммоли вазият – талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади.

Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш **босқичлари**:

1. Муаммоли вазиятни яратиш.
2. Вазиятни таҳлил қилиш асосида муаммони қўйиш.
3. Фаразларни илгари суриси.
4. Ечимни текшириш.

Педагогикада муаммоли вазият методи ҳам қўлланилади.

Муаммоли вазият методи – талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл. Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазият методи қўлланилганда талабаларнинг фаолиятлари қуидаги тизим асосида ташкил этилади:



Муаммоли маъруза муаммоли таълимда энг кўп қўлланиладиган ўқитиш шакли саналади.

Муаммоли маъруза – ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза

Муаммоли таълимнинг барча турлари бўйича ташкил этиладиган ўқув жараёнида муаммоли ТТ қўлланилади.


Муаммоли ТТ – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласидиган таълим технологиялари

Муаммоли ТТнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

Муаммоли ТТнинг асосий шакллари:

Муаммоли баён, эвристик сухбат, муаммоли намойиш, изланишга асосланган амалий машғулот, ижодий топширик, хаёлий муаммоли тажриба, муаммо фаразларини шакллантириш, масалаларни муаммоли ечишнинг оптимал вариантиларини танлаш, муаммоли вазифа, муаммоли ўйин

Муаммоли таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган методлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ўқитувчилар уларни тўғри танлашга эътибор қаратишлари зарур. Қуйидагилар муаммоли таълимнинг асосий методлари саналади:



Муаммоли таълим методлари

Демак, замонавий шароитда таълим амалиётида лойиха ҳамда муаммоли таълим технологияларининг қўлланилиши ўқитиш жараёнини самарали кечишини таъминлаш билан бирга талабаларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Таълим сифатини яхшилаш

ва самарадорлигини оширишга нисбатан қўйилаётган ижтимоий талаблар ўқитувчилардан лойиҳа ва муаммоли таълим технологияларини ўқитиш жараёнида мақсадли, самарали қўллашни талаб этади. Мазкур таълим технологияларининг моҳиятига оид маълумотлар билан танишиш малака ошириш курслари тингловчиларининг мавжуд билимларини бойитиш билан бирга амалий кўникма, малакаларини янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

Назорат учун саволлар:

1. Лойиҳа ва лойиҳалаш нима?
2. Таълим жараёнини лойиҳалаш неча босқичда ташкил этилади?
3. Технологик паспорт ва технологик хаританинг дидактик аҳамияти нимада кўринади?
4. Модел ва моделлаштириш нима?
5. Ўқув моделлари неча турга ажратилади?
6. Муаммоли таълим технологияларининг қандай имкониятларга эга?
7. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш неча босқичда кечади?

3-МАВЗУ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

3. Интерфаол таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
4. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.

Таянч тушунчалар: интерфаол, интерфаоллик, интерфаол таълим интерфаол таълимга хос белгилар, интерфаол таълим тамойиллари, интерфаол таълим технологиялари (ТТ), интерфаол методлар, стратегия, график органайзер.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар / Маъruzalар матни. Туз.: А.Х.Қосимов, Ф.А.Ҳоликова. – Т.: ТАТУ, 2004.
2. Сайдидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
3. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
4. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўл. Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳоликова. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2013.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлади? Кўйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.


“**Интерфаол**” тушунчаси инглиз тилида “*interact*”(рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “*inter*” – ўзаро, “*act*” – ҳаракат қўлмоқ каби маъноларни англаради.

Интерфаол таълим – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эга. Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришларини ифодалайди.


Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам сухбат (диалог)га асосланган ва бу сухбат қўйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



Анъанавий таълимда ташкил этиладиган сұхбат

Интерфаол ТТ таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – үқитувчи, талаба ва талабалар гурухи үртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, үзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда әркін фикрлаш, шахсий қарашларини иккіланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, үкув материалларини үзлаштиришда талабаларнинг үзаро яқынларини юзага келтириш, “үқитувчи – талаба – талабалар гурухи”нинг үзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.


Интерфаол ТТни қўллашда сұхбат қўйидаги шахслар үртасида ташкил этилади:




Интерфаол ТТни қўллашда ташкил этиладиган сұхбат (диалог)

Интерфаол ТТ моҳиятига кўра сұхбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки үқитувчи раҳбарлигидага ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг үзлаштирилишини англатади.

Ўқув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот үйғотади. Бирок, бунда үқитувчининг маълум даражада қўйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Шу билан бирга интерфаол ТТни қўллаш самарадорлиги қўйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол ТТ ёрдамида талабаларнинг қобилиятиларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган харакатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.


Одатда интерфаол ТТга асосланган таълимий харакатлар қўйидаги шаклларда ташкил этилади:
индивидуал; жуфтлик; гурӯҳ; жамоа билан ишлаш

- Интерфаол ТТни қўллаш жараёнида талабалар:**
- гурӯҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
 - тенгдошлари орасида ўз foяларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсикларсиз намойиш этиш;
 - муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
 - гурӯҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
 - ўз ички имконият ва қобилиятиларини тўлиқ намоён қила олиш;
 - фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;
 - ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
 - ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
 - турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўнималарини ўзлаштириш каби имкониятларга эга бўлади

Интерфаол ТТ:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштироқчисини рагбатлантиради;
 - ҳар бир талабанинг рухиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўкув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- талабаларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- талабаларда ҳаётий зарур қўнимма, малакаларни шакллантиради;
- талабаларнинг хулқ-авторини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди

Интерфаол ТТнинг асосий белгилари қўйидагилардир:



Интерфаол ТТнинг асосий белгилари

Изоҳ: Рефлексия (лот. “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиши): кишининг ўз хатти-харакатлари, уларнинг асосларини тушуниб этиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш).

Интерфаол ТТ тамойиллари:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гурухнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш хуқуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қиласди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун педагоглар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:



Изоҳ: Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилганда кичик доирада талабалар, катта доирада эксперт грухи жойлашади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол ТТнинг қуидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:



Энг оммавий интерфаол ТТ қуидагилар саналади:

- Интерфаол методлар:** “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Суҳбат” ва б.
- Стратегиялар:** “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва х.к.

3. График организерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

Интерфаол таълим методлари ва уларни қўллаш тартиби. Айни ўринда бир гурух интерфаол таълим методлари ва уларни таълим амалиётида қўллаш тартиби тўғрисида сўз юритилади.

“Ақлий хужум” стратегияси

Стратегия талабаларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

Ўқувчи (талаба)ларнинг ўзларини эркин хис этишларига
шароит яратиб бериш, ғояларни ёзиш бориши учун
ёзув тахтаси ёки қофозларни тайёрлаб қўйиш

Муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш

Машғулот жараёнида амал қилинадиган шартларни белгилаш

Билдирилётган ғояларни уларнинг муаллифлари томонидан
асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш, қофозлар гоя
(ёки фикр)лар билан тўлгандан сўнг ёзув тахтасига осиб қўйиш

Билдирилган фикр, янги ғояларнинг турлича ва
кўп миқдорда бўлишига эътибор қаратиш

Талабанинг бошқалар билдирган фикрларни ёдда
сақлаши, уларга таяниб янги фикрларни билдириши
ва улар асосида муайян хulosаларга келишига
эришиш (билдирилётган хар қандай гоя баҳоланмайди)

Талабалар томонидан мустақил фикр юритилиши, шахсий
фикрларнинг илгари сурилиши учун қулай мухит яратиш

Илгари сурилган ғояларни янада бойитиш
асосида талабаларни қувватлаш

Бошқалар томонидан билдирилган фикр (гоя)лар устидан
кулиш, кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик

Янги ғояларни билдириш давом этажсан экан, муаммонинг
ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик

Машғулотда стратегияни қўллашда қуидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Талабаларни муаммо доирасида кенг фикр юритишига
ундаш, улар томонидан мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиш

Ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

Ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин хозирлайди

Машғулотда талабалар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди (зоро, фикрлар баҳоланиб борилса, талабалар дикқатларини шахсий фикрларни ҳимоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурilmайди; методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад талабаларни муаммо бўйича кенг фикр юритишига ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишидир)


“Балиқ скелети” график органайзери (ГО)

ГО талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш қўнималари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) ўқувчи (талаба)лар кичик групкаларга бириктирилади;
- 3) групкалар топшириқларни бажаради;
- 4) групкалар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа групкаларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Талабалар топшириқларни қуидаги тасвир асосида бажаради:



“Биламан. билишни хоҳлайман. билиб олдим” (БББ) ГО

ГО талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда талабалар гурух ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.


Гуруҳлар фаолияти қўйидаги қўринишда ташкил этилиши мумкин:



Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қўйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

ГОдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади:



Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тафсилоти қўйидагича:

- 1) талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади;
2) талабаларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга
эгалик даражаси ўрганилади;
3) талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар
ложиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
4) талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд
билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;
5) талабаларнинг эҳтиёжлари сифатида баён
этилган тушунчалар ложиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
6) ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлардан талабаларни хабардор қилади;
7) талабалар томонидан ўзлаштирилган янги тушунчалар аниқланади;
8) баён этилган янги тушунчалар ложиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
9) машғулот якунида ягона лойиха яратилади

“Блиц-сўров” методи

“Блиц-сўров” (инг. “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг муракқаблиги, талабаларнинг қамраб олинишига қўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни
ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласди

Талабалар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради


Гурӯҳ (жуфтлик)да ишлашда бир нафар талаба берилган саволга жавоб қайтаради
(унинг гуруҳдошлари жавобни тўлдиради, (бироқ, фикрлар акорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзida ёритилиши мумкин.

“Венн диаграммаси” ГО


ГО талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қўйидаги схема чизилади:



ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қўйидагилардан иборат:



Гони қўллаш жараёнида ҳар бир гурух муайян мавзуга оид топшириқларни бажаради. Талабаларнинг эътиборларига қўйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

Гурухлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топшириқлар мазмуни
1- гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гурух	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

“Дебат” методи

“Дебат” (фр. “дебаттере” сўзидан олинган бўлиб, “дебац” – “баҳслашмоқ”) технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қиласи.

Ўқув машғулотларида дебат қуидаги тартибда уюштирилади:

Үрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши
зарур бўлган муваммо танланали

Баҳслашиб учун икки нафар талаба (гурух ёки жуфтлик) ларнинг эътиборларига танланган муваммо хавола этилади

Муваммо юзасидан алоҳида талаба, гурух ёки жуфтликлар томонидан билдирилалиган фикрлар тахлил килинади

Экспертларнинг фикрлари тингланади

Дебатда билдирилган фикрлар юзасидан хулюса чиқарилади

Дебат якупланади

“Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) ГО пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни талабалар билан якка тартибда, гурух асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

ГОдан фойдаланишда қуидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:


Нимани ўйлаган бўлсангиз, уни қоғозга ёзинг! Фикрингизнинг сифати ҳақида ўйлаб ўтирамай, шунчаки ёзиб боринг!

Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг!

Белгиланган вақт нихоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг! Агар маълум муддат ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг! Бу харакатни янги ғоя туғилгунига қадар давом эттиринг!

Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суринг, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқликни кўрсатинг!

ГО ёрдамида талабалар топшириқ бүйича фикрларини кластер (майда, алохид қисмлар) тарзida қуидагица ифодалайди:



“Мантиқий чалқаш занжир” стратегияси

Стратегия тушунчалар, билдирилган фикрлар үртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетликда түғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзууни ёритувчи маълумотларни түғри ва нотүғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси мантиқий жиҳатдан нотүғри ифодаланган маълумотларни түғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалқашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда түғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Машғулотда стратегияни қўллаш қуидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи талабаларни стратегиянинг моҳияти билан танишириади

Талабалар бир нечта кичик гурухларга бириктирилади

Кичик гурухларга чалкаш маълумотларни ўзида ифодалаган тарқатмали материаллар берилади

Топшириқларни бажариш учун вақт ҳажми (5 дақиқа) белгиланади

Кичик гурух тарқатмали материалда ифодаланган матндаги мантиқий хато ва чалкашликларни аниклаб, узилган занжирни “улаш”га ҳаракат қиласиди

Белгиланган вақт яқунлангач, ҳар бир гурухдан бир нафар вакил жамоани топшириқ мазмуни ва гурухнинг жавоблари билан танишириади

Жамоада гурухларнинг жавоблари юзасидан муҳокама ташкил этилади

Ўқитувчи жамоанинг фикрига таяниб гурухлар ишини баҳолайди

Изоҳ: ўқитувчи мустақил ишлашини таъминлаш учун ҳар бир талабага мазмунини бироз ўзгартирган ҳолда алоҳида топшириқ бериши мумкин.

“Нилуфар гули” технологияси

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

Талабаларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш қўникмаларини шакллантирувчи технологияни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ҳал этиладиган масала аниқлаштирилади

Талабалар топшириқ мазмуни ва уни ечиш шартлари билан таништирилади

Талабалар кичик гурӯҳ (ёки жуфтлик)ларга биритирилади

Гурӯҳ ёки жуфтлик аъзолари марказий тўртбурчак

(квадрат, айлана)да асосий муаммо (гоя, вазифа)ни қайд этади

Гурӯҳ (жуфтлик)лар масаланинг ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айлана) атрофида саккизта шундай қўшимча чизмаларни

Қўшимча чизмалардаги ғоялар гулнинг “гулбарглари”га, яъни шундай алоҳида мажмуага олиб чиқади (уларнинг ҳар бири яна бир муаммо кўринишини олади)

Ёрдамчи чизмалардаги етакчи муаммо (гоя, вазифа) атрофидаги
“гулбарглар”ла хиссий масала ва ечимлар акс эттирилали

Ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб,

бун жанаён бин неча бин тақорибанини мумкин

Ҳар бир гурӯҳ ёки жуфтликлар топшириқ юзасидан

ўз ечимларини тақлимот таъзила баён этали

Гурухларнинг ечимлари мухокама қилиниб, энг тўғри вариант аниқланади

Ўқитувчи ҳар бир гурӯҳ ишига баҳо бериб, машғулотни якунлайди

Талабаларга қўйидаги схема намуна сифатида тақдим этилади:

	B	
	D	
	G	


	Z	
B	Z	C
D	A	F
G	H	Y
	H	

	C	
	F	
	Y	


“Swot-таҳлил” стратегияси

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Талабалар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қўйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:



Машғулотларда стратегияни қўллаш тартиби қўйидагича:



Изоҳ: стратегияни қўллаш муайян қийинчиликларни келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолларда ўқитувчи стратегиянинг асосий моҳияти ёки бирор босқичини талабаларнинг билими даражасига мослаб, унга тушунарли сўзлар билан ифодалashi (ўзгартириши) мумкин. Ўқитувчи томонидан талабаларга стратегиянинг моҳияти, афзалликлари ҳақида

етарлича маълумот берилиши улар томонидан ҳал этиладиган муаммо моҳиятининг тўла тушунилишини таъминлаш ва кутилган натижага эришишга ёрдам беради.

“Синквейн” стратегияси


Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиш ва ёзиш асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир талаба ва талабалар гурухларининг фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “Синквейн” стратегиясини қўллаш самарали эканлиги айтилади.

Бу ўринда стратегиянинг моҳияти билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқdir.


Синквейн (фр. “беш қатор” маъносини англатади) маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ҳодиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир ўқувчи (талаба) ушбу маълумотлар йифиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзлари билан турли вариант ёки нуқтаи назарлар орқали ифодалаш имкониятига эга

Синквейн тузиши – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

Синквейн тузиши мураккаб жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиши учун муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн тузиши беш босқичли ҳаракатларни ташкил этиши орқали амалга оширилади. Мисол учун:



Синквейнлар қўйидаги ҳолатларда самарали саналади:




“Скарабей” стратегияси

“Скарабей” (“Күнғиз”) стратегияси талабаларда мантикий фикрлаш қобилиятини, хотирани, шунингдек, муайян муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очик, эркин ифодалаш малакасини ривожланишига хизмат қиласди. Талаба стратегияни қўллаш жараёнида билимларининг сифати, дарражасини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тасаввури кўламини аниқлаш имкониятини қўлга киритади. Стратегия, шунингдек, турли ғояларни очик, эркин, мантиқан ифодалаш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашда ҳам самарали саналади.

Унинг ёрдамида талабаларда қуидаги сифатларни шакллантириш, ривожлантиришга эришиш мумкин: мустақил ишлаш; мулоқатга эркин кириша олиш; хушфеъллик, ўзгалар фикрини хурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўз-ўзини баҳолаш.

Стратегиядан дарснинг муайян босқичларида турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Яъни:




Мазкур стратегия талаба томонидан осон қабул қилинади. Зеро, у шахсга хос фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

“Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қиласди.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун талабалар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади. Унга кўра машғулотларда талабалар қуидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув таҳтасидан фойдаланади):



Стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бевосита маълум лойиха асосида қўлланилади. Лойиха қўйидаги кўринишга эга:

Умумий муаммо					
1-қарор варианти		2-қарор варианти		3-қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Қарор:					

Стратегия қўйидаги шартлар асосида қўлланилади:

Машғулот чоғида ўқитувчи энг аввал мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди; гурухлар томонидан қабул қилинган хulosा (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди

Ўқитувчи талабаларни 4 ёки 6 нафардан кичик гурухларга ажратади; муаммонинг ҳал этиш, оқилона қарор қабул қилиш учун аниқ вақт белгиланади

Қарор қабул қилишда гурухларнинг ҳар бир аъзоси билдирилган вариантнинг мақбул, номақбуллиги батафсил муҳокама қилиниб, афзаллиги, афзал эмаслиги ёзib борилади; билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишига ёрдам берадиган усул ҳақида гурух аъзолари бир тўхтамга келиб олади

Белгиланган вақт тугагач, ҳар бир гурухнинг лидери гурух қарорини эълон қиласди; билдирилган барча хulosा (қарор)лар ўқитувчи бошчилигига ўзаро қиёсланади

Изоҳ: 1. Муаммо бўйича билдирилган қарорлар юзасидан саволлар туғилса, уларга жавоб қайтарилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади.

2. Агарда барча гурухлар муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гурухи, шунингдек, жамoa ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи

(ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқарашиб даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Назорат учун саволлар:

1. “Интерфаол”, “интерфаол таълим” ва “интерфаоллик” қандай маънони англатади?
2. Интерфаол таълим технологиялари ўзида қандай белгиларни ифода этади?
3. Интерфаол методлар қандай амалий аҳамиятга эга?
4. Шахсан Сиз педагогик фаолиятингизда қандай интерфаол методлардан фойдаланасиз?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 10.И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 11.И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 13.И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
- 14.И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
- 17.“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // “Халқ сўзи” г. 1998 й., 15 май.
- 18.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

19.П. Меъёрий- ҳуқуқий хужжатлар:

- 20.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
- 21.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахassisлар тайёрлаш

сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

- 22.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
- 23.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.

24.III. Махсус адабиётлар:

- 25.Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
- 26.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.
- 27.Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илгор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
- 28.Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллажлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
- 29.Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.
- 30.Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
- 31.Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь,1996.
- 32.Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
- 33.Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
- 34.Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
- 35.Кашлев С. С. Современные технологии педагогического процесса. Мн.: “Университетское”, 2000.
- 36.Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений / М: Издательский центр «Академия», 2005.
- 37.Левина М.М. Технология обучения, роль в структуре педагогического знания. (Разработка и внедрение гибких технологий обучения педагогическим дисциплинам). М.: МГПИ, 1991.

- 38.Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
- 39.Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Власов, Д.А. Педагогические технологии как дидактический инструментарий модернизации образования. – М. – Тольятти: ВУиТ, 2004.
- 40.**Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.
- 41.Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2001.
- 42.Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
- 43.Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
- 44.Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
- 45.Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.
- 46.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
- 47.Adam, R. The Process of Educational Innovation I R. - Lnd, 1991.
- 48.Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.
- 49.Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II. Педагогическоеобразование для XXI века. - М.: 1994.
- 50.Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
- 51.Chambers W.N. Creative Scientist of Today I W.N. Chambers II Science. -L.: 1994. - Vol. 145.
- 52.Cowen E.L. Stress Reductiom and Problem-Solving Rigidity I EX. Cowen II J. Consult. Psychol. - N. Y: 1992. - Vol. 16.

Интернет маълумотлари:

www.press-service.uz
 www.gov.uz
 www.infocom.uz
<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc>.
 www.press-uz.info
 www.ziyonet.uz
 www.edu.uz
 www.pedagog.uz
 www.tdpu.uz

